
“Шойимбек” маҳалласининг 3.2 км ички йўллари асфальтлаштирилди

Мустақиллик байрами олдидан Фурқат туманидаги маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш, аҳолини узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган муаммоларини ҳал этиш мақсадида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг жорий йилги биринчи мавсумида ҳам “Шойимбек” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси фаол иштирок этиб, 2166 та овоз билан ўз ташаббусларининг ғолиблар қаторидан ўрин олишига эришдилар. Айти кунларда “Шойимбек” маҳалласининг барча кўчаларида таъмирлаш ва асфальтлаш ишлари якунланди.

Аҳоли вакиллари маҳаллаларнинг қиёфаси тобора кўркамлашиб бораётганидан мамнунлигини яширмаяпти. Маҳалла фаоллари, ёши улуглар, янги авлод вакиллари олиб борилаётган ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришлардан руҳланиб, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини тилаб дуо қилмоқдалар.

2024-08-13 17:47:49